

ЎТМИШГА НАЗАР
ЖУРНАЛИ
2 СОН, 4 ЖИЛД

ЖУРНАЛЬ ВЗГЛЯД В
ПРОШЛОЕ

НОМЕР 2, ВЫПУСК 4

JOURNAL OF LOOK

TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 2



Tadqiqot.uz



ТОШКЕНТ-2021

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ | ЖУРНАЛЬ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ | JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
№ 1 (2021) DOI

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Садуллаев Анатолий Садуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
академик, Ўзбекистон Миллий
университети

Бобожонова Дијором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР
ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР
ФА Тарих институти

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург Тарих
институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори,
профессор Даъват тарихи
институти, Қозогистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори,
профессор Ал-Фаробий номидаги
Қозогистон Миллий университети,
Қозогистон

Джорбекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси, Қозогистон
Республикаси

Ширванова Тарана Амирата кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат иқтисодиёт
университети

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қызлар давлат педагогика
университети, Қозогистон

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Догистон
мустақил университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт
институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши мұхәндислик-иктисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яҳшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Талапов Баҳридин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Аинварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давлаталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Саҳифаловчи: Абдулазиз Мухаммадиев

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр. 1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr. 1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛЬ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

РОССИЯ ПРОТЕКТОРАТИ ЎРНАТИЛИШ ЖАРАЁНИДА БУХОРО
АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ МУНОСАБАТЛАРИ

Махмуд Зайниневич Орзиев,

Бухоро давлатуниверситети

“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси

Шаҳло Солиевна Шодиева,

Бухоро давлатуниверситети докторантни

sh.shodiyeva_1991@mail.ru

For citation: Makhmud Z.Orziev, Shakhlo S.Shodieva, RELATIONS BETWEEN BUKHARA EMIRATE AND OTTOMAN EMPIRE IN THE PROCESS OF PROTECTORATE ESTABLISHMENT OF THE RUSSIAN EMPIRE. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 2, (47-52)pp.



DOI 10.26739/2181-9599-2021-2-6

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги устидан Россия империяси протекторати ўрнатилиши жараёнида Бухоро давлатининг Усмонийлар салтанати билан дипломатик ва сиёсий муносабатлари тарихий адабиётлар ва бирламчи манбалар орқали таҳлил қилинади. Шунингдек, Туркистон ўлкасини Россия империяси томонидан истило қилиниш жараёнлари қатор давлатлар билан сиёсий зиддиятлар, дипломатик курашлар остида олиб борилганлиги, маҳаллий хонликлар ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун мусулмон дунёси ва Шарқнинг ўша вақтдаги қудратли давлати ҳисобланган Умонийлар империясини ўзларига паноҳ сифатида қараганлиги илмий ўрганилган.

Калит сўзлар: элчилик, ваколатхона, миссия, вассал, империя, салтанат, иттифоқ, ҳарбий ёрдам, Бухоро теккеси, маҳфий маълумот, инструктор, даврий матбуот, сиёсий муносабатлар, “Пантуркизм”, “Панисломизм”

ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В ПРОЦЕССЕ УСТАНОВЛЕНИЯ ПРОТЕКТОРАТА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

Махмуд Зайниневич Орзиев,
старший преподаватель кафедры
“Всемирная история” Бухарского
государственного университета.

Шаҳло Солиевна Шодиева,
докторант Бухарского
государственного университета
sh.shodiyeva_1991@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе исторической литературы и первичных источников проводится анализ дипломатических и политических отношений между Бухарой и Османской империей

в процессе установления протектората Российской империи над Бухарским эмирятом. Также было изучено, что завоевания Туркестана Российской империей сопровождалась политическими конфликтами и дипломатической борьбой с рядом стран, и что местные ханства искали убежища в мусульманском мире и Османской империи, тогдашней могущественной державе на Востоке.

Ключевые слова: посольство, представительство, миссия, вассал, империя, султанат, союз, военная помощь, Бухарская текке, секретная информация, инструктор, периодическая печать, политические отношения, «Пантуркизм», «Панисламизм».

RELATIONS BETWEEN BUKHARA EMIRATE AND OTTOMAN EMPIRE IN THE PROCESS OF PROTECTORATE ESTABLISHMENT OF THE RUSSIAN EMPIRE

Makhmud Z.Orziev,
senior lecturer at the world history department,
Bukhara state university
Shakhlo S.Shodieva,
PhD student, Bukhara state university
sh.shodiyeva_1991@mail.ru

ABSTRACT

The present article deals with the analysis of diplomatic and political relations between Bukhara and Ottoman empire in the process of establishment of the protectorate of the Russian empire over the emirate of Bukhara based on historical literature and written sources. It was also studied that the conquest of Turkestan by the Russian Empire was accompanied by political conflicts and diplomatic strife with a number of countries, and that local khanates sought refuge in the Muslim world and the Ottoman Empire, then a powerful power in the East.

Index Terms: embassy, agency, mission, vassal, empire, sultanate, union, military aid, Bukharan tekke, secret information, instructor, periodical press, political relations, «Panturkism», «Panislamism»

1.Долзарблиги:

Россия империяси томонидан Бухоро амирлиги устидан протекторат ўрнатилиши жараёнида, ҳарбий-техник ва молиявий жиҳатдан қолоқ Бухоро амирлиги Шарқ-мусулмон дунёси етакчиси бўлган Усмонийлар империяси билан дипломатик, сиёсий муносабатлар ўрнатиш орқали қарамликдан сақланиб қолишга харакат қилганлигини манбалар асосидаги илмий таҳлили Бухоро амирлиги ва Усмонли турк давлати муносабатларининг ўрганилишида долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Мақола умумэтироф этилган тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, ретроспектив таҳлил каби усувлар асосида баён этилган бўлиб, унда Россия протекторати ўрнатилиш жараёнида Бухоро амирлиги ва Усмонли турк давлати муносабатлари ўрганилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистон ўлкасини Россия империяси томонидан истило қилиниш жараёнлари қатор давлатлар билан сиёсий зиддиятлар, дипломатик курашлар остида олиб борилган эди. Маҳаллий хонликлар ўз мустақилликларини сақлаб қолиш учун мусулмон дунёси ва Шарқнинг ўша вактдаги қудратли давлати ҳисобланган Умонийлар империясини ўзларига паноҳ сифатида қараганлар. Усмонийлар империяси халифалик давлатининг давомчиси сифатида қаралиб, бошқа мусулмон давлатлари сultonга ўзларини вассал ҳисоблаганлар ва сultonга қилинган кўплаб мурожатлар мазмунида ўзларини ҳимоя қилишни, ҳарбий ёрдам кўрсатишни сўраганликлари маълум.

Туркистон ўлкаси истилоси бошланган XIX асрнинг 40-йилларидаёқ Россия маъмурлари Ўрта Осиё давлатларининг Туркия билан маънавий иттифоқига ҳам қарши курашишларига тўғри келган. Жумладан Оренбург генерал-губернатори В.А. Перовский билан Хива хонлиги элчилари музокаралар вақтида Хива ва Сирдарё оралиғидаги ерлардан Турк сultonи ва

инглизлар фойдасига вос кечишни талаб қиласидилар. Сирдарё корпуси қўмондони Г.Х. Гасфорд маҳаллий хукумдорлар ва британиянинг хинд қўшинлари билан биргалиқдаги хужумларидан хавотирга тушганлиги тарихий адабиётларда қайд этилади [10, 144]. Бу ҳолат Россия империясини Англия ва Туркия иттифоқига қарши уруш бошлаш эҳтимолини юзага келтириб, кейинги истилоларга мустаҳкам замин ҳозирлашга унданаган.

Россиянинг Туркистон ўлкасидаги хонликларни истило қилиш жараённада Туркиянинг ўлкадаги таъсири масаласи таҳлил қилинар экан, ижтимоий-иктисодий ва маданий муносабатларнинг чекланганлиги, XIX асрнинг 50-80 йилларда Туркиянинг Туркистон ўлкасидаги руҳонийлар ва феодаллар орасида кўплаб ихлосмандлари бўлгани ҳолда, аҳолининг кенг қатламлари орасида Туркия билан иттифоқнинг қўллаб-куватланишга эриша олмаганлигини алоҳида келтириб ўтиш лозим[4, 9]. Иккинчи бир томондан эса, XIX аср ўрталарида ижтимоий-иктисодий, маданий алоқаларнинг жуда сустлиги, ўзаро муносабатларнинг тез-тез узилиб қолиши натижасида Усмонийлар империясида Ўрта Осиё ҳақида, минтақада содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий воқейликлар ҳақида тўлиқ тасаввурлар мавжуд бўлмаганлиги тарихий адабиётларда қайд этиб ўтилади [4, 19]. Олиб борилган элчилик алоқаларнинг ҳам асосан ҳаж зиёратчилари томонидан амалга оширилганлиги, бу алоқаларнинг ҳам минтақавий аҳамиятга эга бўлмаганлигини кузатиш мумкин.

Бухоро амирлигининг Россия империяси тажовузидан амалий ёрдам сўраб Туркияга юборган биринчи расмий элчиси Мустафо Порсо афанди бўлиб, 1867 йилда амир Музаффархон (1860-1885 йй) Бухоро муфтиси бўлган Мустафо Порсо афандини Британия Ҳиндистони ва Туркияга элчи қилиб юборади. Ҳиндистонда Британия вакили Лоуренсга амирнинг ҳарбий ёрдам сўраб ёзган мактуби топширилади. Аммо, инглизлар Стотдарт ва Коннолиларни Бухорода қатл этилганлигини баҳона қилиб, ёрдам беришдан бош тортадилар. Порсо Истамбулга 1867 йилнинг сентябрига етиб келиб, 24 сентябрда султон қабулида бўлади. элчи ҳарбий ёрдам, қурол, темирга ишлов берувчилар ва тоғ-кон ишлари мутахассислари юборишни сўрайди. Султон кенгаш маслаҳати зарурлигини маълум қилгач, Порсо афанди ҳажга йўл олади. Ҳаждан қайтишда 1868 йил апрелида яна султон қабулида бўлиб, Туркия томонидан масофанинг узоқлиги сабабли ҳарбий ёрдам бериб бўлмаслиги, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ўзаро адоватни тўхтатиб, биргалиқда душманга қарши курашилари лозимлиги тушунтирилади ва амирга мактуб йўлланади[4, 49-51]. Бизнинг фикримизча, бу жавоб ўта расмий бўлиб, Бухорога ҳарбий ёрдам кўрсатилиши маълум бўлиб қолганда Россия ва Туркия ўртасида уруш чиқиши ва Европа қитъасида ҳарбий ҳаракатлар бошланмаслигини олдини олиш максадида қилинган чора бўлиб, Туркия дипломатик босимларсиз Бухоро амирлигига ёрдам кўрсатишга уринган деб хулоса чиқариш мумкин.

Гарчи Бухорога ёрдам кўрсатиш рад этилган бўлсада, Бухорога Порсо афанди билан биргалиқда султон вакиллари юборилганки бу юқоридаги холосамизни асослашга хизмат қиласиди. Султон вакилларидан бири Истамбулдаги Бухоро теккеси раҳбари Бухаралы Сулейман афанди бўлиб, у Бухорога келишдан олдин Кобулга бориб инглизлар манфаатига мос келувчи дипломатик вазифани ҳам бажариши лозим эди. Бу эса, Туркистон масаласида Туркиянинг инглизларга суюнишини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчи шахс турк уламоси Суави афанди бўлиб, у бир муддат Лондонда яшаган ва Британия сиёсий идоралари билан яқин алоқа ўрнатган. Бир сўз билан айтганда у британия фойдасига жосуслик вазифасини бажариши лозим эди. Бухорода унга юкланган вазифа маҳаллий аҳволдан инглизларни хабардор қилиб туриш ва амирлик аҳолиси орасида антирус кайфиятини авж олдиришдан эди. Ушбу хизматлари эвазига Суави афанди инглизлардан ойига маош сифатида 100 фунт стерлинг маош оларди[4, 154].

Россия империяси маъмурлари ушбу икки шахснинг Бухорога келиши тўғрисида махфий маълумотлари бўлиб, Истамбулдаги Россия дипломатик вакили Н.П. Игнатьев 1869 йил 15 январда Россия ташқи ишлар вазири А.М. Горчаковга бу ҳақда хабар йўллаган. Хабарда Сулейман афандининг етарлича билимга эга эканлиги, айёр ва Россия манфаатлари учун хавфли шахс эканлиги келтирилган. Сулейман афанди Бухорога 1869 йил ёз охирида келган. Султоннинг Бухорога амалий ёрдам беришнинг иложи йўқлиги хусусидаги мактубини амирга етказган. Амир сайройида султон номига янги мактуб ёзилиб, элчи сифатида Сайд Мир Абдулхай афанди орқали султонга юборилади. Мактубда амир Бухорони ривожлантиришнинг Усмонли турк давлати йўлидан боришини маълум қилиб, Бухорода

турк дипломатик ваколатхонасини очишни, ўқитувчилар юборишни, тоғ-кон соҳаси мутахассисларини юборишни сўраган[4, 155].

Россия империяси разведкаси Бухоро ва Туркия ўртасидаги муносабатларни диққат билан кузатиб борган. Истамбулдаги Россия дипломати Н.П. Игнатьев Турк султони бош таржимонини сотиб олишга ва султон саройида бўлаётган воқеаларни батафсил билиб олишга мувоффақ бўлган. Россия ташқи ишлар вазирлигига юборган хисоботига кўра, Бухоро элчиси Сайд Мир Абдулхай 1872 йил январида Сувайш канали орқали Истамбулга келганлиги, асосий музокаралар Февраль ойида бўлиб ўтганини, элчи Турк султонидан Бухоро амирининг қўлидан чиқиб кетган Самарқанд ва Бухоронинг бошқа ерларини қайтариб олишда ҳарбий қўмак беришни сўрагани, шунингдек, турк ҳарбий инструкторларини ва замонавий соҳалар бўйича мутахассисларни юборишни сўраганлигини баён қилганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилади[12, 115-116].

Бухоро элчисига сўралган ёрдам учун жавоб бериш мақсадида Султон ҳузурида тўпланган кенгашда Бухоро элчисига бериладиган жавоб масаласи муҳокама қилинган. Унда, бухоролик ёшларни Туркиядаги ҳарбий ва турли замонавий соҳа мактабларида ўқитиб, кейин юртларига юбориши орқали ёрдам бериш мумкинлиги, шу йўл билан сиёсий ва дипломатик босимни бироз чеклаб ўтиш мумкинлиги, Бухорони ўз қўшнилари Афғонистон ва Британия Ҳиндистони билан яқин алоқаларни йўлга қўйишини маслаҳати берилади. Шунингдек, Туркиянинг Бухорода ваколатхонаси ва элчилик масаласида маҳсус элчилар маъкул бир вазиятда юборилиши ҳам маълум қилинган[11, 272].

XIX асрнинг 60-70 йилларида Туркистон ва Бухорода Усмонийлар империяси таъсири сезиларли ошганлигини Россиянинг турли идоралари жумладан Туркистон генерал-губернаторлиги амалдорлари ҳам кузатганлар. Масалан, 1869 йил Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман ҳарбий вазир Д.А. Милютинга юборган хабарида Бухоро амирлигига Туркия, Афғонистон, Хива билан яширин алоқалар авж олаётгани, антирус кайфияти кучайиб бораётганини маълум қиласди. Ушбу мамлакатлар билан Бухоронинг ҳарбий иттифоқ тузиши тўғрисидаги турли маълумотларни текшириш мақсадида 1870 йил Бухорога Жиззах уезди губернатори полковник С.И. Носович бошчилигига маҳсус элчилик миссияси юборилади. С.И. Носович элчилиги Бухоро амирлигига Турк султони элчиси Сулаймон афандининг келиши билан бир вақтга тўғри келганди. Туркия, Афғонистон ва Хива билан ҳарбий иттифоқ масаласида С.И. Носовичнинг саволларига Бухоро амалдорлари С.И. Носовични мусулмон хукумдорлари билан тузилган иттифоқдан Россия билан дўстлик мустаҳкам эканлигига ишонтира оладилар [6, 70-71].

Афғон ва турк элчиларининг келганлигини руслардан яшира олмаган Бухоро амири Бухорога Туркия, Афғонистон, Хива элчиларининг ҳарбий иттифоқ тузиш таклифи билан келганликларини тан олмасада, афғонларнинг русларга қарши уруш бошлаш таклифи анча жiddий эканлигини С.И. Носовичга ўзгача тарзда етказган деб хуроса қилишга барча асослар мавжуд. В.В. Бартольд асарларида, Бухоро амирлиги вакиллари таклиф этилган иттифоқка кирмагани сабабли афғонлар билан уруш чиқиши мумкинлиги сабабли Россия империясидан 4 минг замонавий милтиқ сўраганини ёзб қолдирганлигини кўриш мумкин[1, 411].

Россия элчилари 22 июнда Бухорода 35 кун элчилик сафарда бўлиб қайтади. Туркистон генерал-губернаторлиги элчилари расмий музокаралардан ташқари яширин равища ҳам ахборот тўплаганлар. Ўша давр Россия империяси марказий матбуот органларида элчиларнинг айрим маълумотлар очиқланган. Унга кўра, Россия элчилари билан бирга Афғонистон элчилари ҳам Бухорода бўлганлиги, афғонлар рус элчилари билан бирга ўзларининг қабул қилинишларини истамаганликлари, Бухоро амири уларни биргаликдаги қабулни тарқ этмасликка кўндиришга ҳаракат қилганига жавобан, афғонлар Бухоро амирига ўзларининг 12 минг аскарлари Тошқўрғонда турганлигини, уларга Амударё бўйида қалъя қуришга рухсат беришни, шунда русларга қарши курашишда пул ва ҳарбий қўмак беришларини маълум қилганларлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар келтирилган [7].

“Туркистон тўплами” материалларида ҳам С.И. Носович элчилиги ҳақида маълумотлар келтирилиб, Россия империяси элчиларига амирликда яхши муносабатда бўлинганлиги, Бухоро амирлигининг Каттақўрғон худудида 18 май куни элчиларни амирликнинг юқори мартабали амалдори Носир мирохўр кутиб олганлиги, 23 май куни элчилар Бухорога етиб келинганлиги, Бухорога келган авғон элчилари сони 20-30 киши атрофида эканлиги қайд

этилган. Шунингдек, афғонлар рус элчиларини яхши кутиб олинганидан норози бўлганлиги ҳам келтириб ўтилади[8, 155].

Бухорога келган турли мамлакатларнинг элчилари ва уларнинг фаолиятини Буюк Британия амалдорлари диқкат билан кузатиб борганлар. Шунингдек, инглиз даврий матбуотида ҳам бу йўналишдаги айрим маълумотлар, мақола ва хабарлар бериб борилган. Жумладан, Лондонда нашр этиладиган “Pall-Mall” газетаси ҳам 1870 йилнинг март ойида Бухорога Туркия ва Афғонистон элчилари келганлиги, элчилар томонидан Бухоро амирига руслар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши лозимлиги маслаҳат берилгани қайд этилган. Шунингдек, Афғонистон томонидан келган элчилар етакчиси Шердилхон деган кимса бўлиб, у Бухоро давлати Афғонистон душманларига паноҳ берса, Афғонистон амири ҳам Бухорога нисбатан шундай йўл тутишини, агар душманларни тутиб берса, улар (афғонлар) ҳам тутиб беришини маълум қилганлигини ёзган[2].

Бир сўз билан айтганда, Россия томонидан Бухоро амирлиги устидан протекторат ўрнатилиши жараёнида Усмонийлар империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги фаол дипломатик ва сиёсий муносабатлар 1872 йилдаги элчилик алмашинувидан сўнг амалга оширилмаган. Тарихий манба ва адабиётларда 1873 йилдан бошлаб ҳар икки давлат ўртасида сиёсий ва дипломатик муносабатларнинг тӯғридан-тӯғри амалга оширилганлигига оид маълумотлар учрамайди. Сиёсий ва дипломатик муносабатлар Россия империяси воситачилигига амалга оширила бошланди. Милллий озодлик, мусулмонларнинг биродарлиги, бирлиги каби ғоялар эса нолегал тарзда амалга оширилганлигига оид далил ва фактлар кўплаб учрайди.

Тарихий адабиётларнинг айримларида Усмонийлар империяси ва Ўрта Осиё муносабатларида 1876 йилга қадар Туркия минтақага етарли даражада эътибор қаратмаганлиги хусусида маълумотлар учрайди. Усмонийлар империясида Ўрта Осиёга қизиқиши Россия ва Япониянинг минтақада фаоллашуви ортидан содир бўлган мазмундаги фикрларни ўқиймиз[4, 25].

Япониянинг мусулмон ўлкалар жумладан Ўрта Осиё минтақасига қизиқишини таҳлил қилган ўша давр вакилларидан А.Е. Снесаров маълумотларида, бир вактлари Англия ва Францияда ўзларини мусулмонлар билан дўстликларини ниқоблаб, кейинчалик мусулмон ўлкаларни асоратга согланларидек, Япония ҳам японларнинг ахлоқий қарашлари мусулмонларнинг ахлоқий қарашлари билан уйғунлиги ниқоби билан минтақага кириб келаётганлигини келтириб ўтади[9, 68].

Усмонийлар империясининг Ўрта Осиё, жумладан Бухоро амирлиги сиёсий тақдирига бўлган қизиқиши XIX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошлаб кучайган дей айтишга тўла асослар мавжуд. Бу даврда Туркиянинг минтақадаги асосий ҳамкори Афғонистон давлати бўлиб, мусулмонларнинг бирдамлигини тарғиб қилиш, Бухоро, Хива, Туркистанни озод қилиш ғоялари марказига айланганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди[3, 24].

Россия ва кейинчалик совет тарихшунослигига Туркия томонидан илгари сурилган ғоялар, “Пантуркизм”, “Панисломиз” каби ғоялар номи остида таъқиб қилинди. Аммо, “Пантуркизм” ғоясини таъқиб этиш XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошларида туркий халқларнинг ватани хусусида янада кучлироқ ғоявий қарашларнинг шаклланишига туртки бўлди. Ушбу ғояни Россия империясининг мусулмон ўлкаларидан етишиб чиқсан Юсуф Оқчура илк бора 1904 йилда илгари сурди. Бу Туронизм ғояси номини олади. Унга кўра, туркларнинг ватани на Туркия ва на Туркистан, туркларнинг ватани буюк ва абадий Турон деб қаралади[5, 89]. Аммо, бу бутунлай бошқа мавзу бўлганлиги сабабли ҳозирда бу ғоя хусусида тўхталиб ўтирамаймиз.

4.Хуласалар:

Хуласа қилиб айтганда, Россия империяси томонидан Бухоро амирлиги устидан протекторат ўрнатилиши жараёнида, ҳарбий-техник ва молиявий жиҳатдан қолоқ Бухоро амирлиги Шарқ-мусулмон дунёси етакчиси бўлган Усмонийлар империяси билан дипломатик, сиёсий муносабатлар ўрнатиш орқали қарамликдан сақланиб қолишга ҳаракат қилди. Аммо, Усмонийлар салтани билан оралиқ масофанинг узоклиги, халқаро муносабатларнинг Бухоро амирлиги учун ноқулай вактларда олиб борилаётганлиги, Усмонийлар салтанати ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ижтимоий-иктисодий ва маданий муносабатларнинг ниҳоятда оқизлиги каби сабабларга кўра сиёсий ва дипломатик муносабатлар расман 1873 йилдан

сўнг узилиб қолди ва келажакда Бухоро давлатининг ташқи сиёсат масаллари Россия империяси руҳсати билан амалга ошириладиган бўлиб қолди.

Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Бартольд В.В. Сочинения в 9-ти томах. Т. II. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 1020 с. (Bartold V.V. Works in 9 volumes. T. II. General works on the history of Central Asia. Works on the history of the Caucasus and Eastern Europe. - M .: Eastern Literature Publishing House, 1963. - 1020 p.)
- 2.Биржевые ведомости. № 221. 1870 г. (Stock exchange statements. No. 221. 1870)
- 3.Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в Середине XIX-начале XX вв. Автореферат на соискание учченой степени кандидата исторических наук. – М.: 2007. – 28 с. (Vasiliev A.D. The relationship between the Ottoman Empire and the Central Asian states in the Middle XIX - early XX centuries. Abstract for the degree of candidate of historical sciences. - M .: 2007. - 28 p.)
- 4.Васильев А.Д. “Знамя и меч падишаха”. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI – начала XX вв.). – М.: Институт востоковедения РАН ПРОБЕЛ-2000, 2014. – 356 с. (Vasiliev A.D. “Banner and sword of the padishah”. Political and cultural contacts between the khanates of Central Asia and the Ottoman Empire (mid-16th - early 20th centuries). - Moscow: Institute of Oriental Studies, RAS PROBEL-2000, 2014. - 356 p.)
- 5.Киреев Н.Г. История Турции XX век/Н.Г. Киреев. – М.: ИВ РАН: Крафт, 2007. – 608 с. (Kireev N.G. History of Turkey XX century / N.G. Kireev. - M .: IV RAN: Kraft, 2007. - 608 p.)
- 6.Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. СПб, 1871. – С. 70-71. (Kostenko L.F. Travel to Bukhara of the Russian mission in 1870, St. Petersburg, 1871. - pp. 70-71.)
- 7.Новое время. № 241. 1870 г. (New time. No. 241. 1870)
- 8.Прём русского посольства в Бухаре//Туркестанский сборник. Т. 41. – С. 154-155. (Reception of the Russian embassy in Bukhara // Turkestan collection. T. 41. - S. 154-155.)
- 9.Снесаров А.Е. Ислам как политическое орудие //Туркестанский сборник. – Т. 417. – С. 66–69. (Snesarov A.E. Islam as a political weapon // Turkestan collection. - T. 417. - S. 66–69.)
- 10.Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания, собрал полковник Серебренников. Т.8. – Т.: 1915. – С. 144. (Turkestan Territory. A collection of materials for the history of its conquest, collected by Colonel Serebrennikov. T.8. - T .: 1915. - S. 144.)
- 11.Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии (1857-1868). - М.: Издательство восточной литературы, 1960. – 272 с.(Khalfin N.A. Russian Policy in Central Asia (1857-1868). - M .: Publishing house of oriental literature, 1960 . - 272 p.)
- 12.Штейнберг Е.Л. История Британской агрессии на среднем Востоке. – М.: 1951. – С. 115-116. (Steinberg E.L. History of British Aggression in the Middle East. - M .: 1951. - S. 115-116.)
- 13.Ergashev Jakhongir Yunus ugli. On problem of the composition of Bukhara market and volume of trade in late medieval period.- International Journal of Psychosocial Rehabilitation.- Volume 24, Issue 3, UK, 2020. – P. 325-330. (Scopus journal)
- 14.Ergashev Jahongir Yunus ugli. Development of transportation types and their usage on caravan roads in middle ages. - International Journal on Integrated Education journal. - Volume 3, Issue II, Feb 2020. – P. 19-23 (impact factor – 5.06)
- 15.Ergashev Jahongir Yunus ugli Transportation means on the caravan roads of the late middle ages // International Scientific Journal “History Research Journal”, 5(5), -P.10-19. Impact factor search 5.3 # 39.